Кўчабоши ва уйбошилар қандай сайланади?

Кўчабоши ва уйбошилар ўз фаолиятини тегишли низом асосида олиб боради. Уларни аҳоли сайлайди. 3-с.

“Йил якунигача камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд бўламиз”

348 гектар майдонга эга 27 та контурда 10,7 млрд. сўмлик намунавий лойиҳалар амалга оширилди. 4-с.

Mahalla

№66 (2204) | 2024 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш — олий бурчимиз



Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим, бу – ички ишлар соҳаси, десак айни ҳақиқат бўлади”, дея ходимларимизга юксак ишонч билдирдилар. 2-с.



КУН НАФАСИ

Маҳаллаларда 40 МИЛЛИОН ДОНА дарахт экилади

“Менинг боғим” лойиҳаси бўйича яшил боғ яратишга камида 1 гектар, яшил жамоат парки учун ярим гектардан ер ажратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 21 октябрь куни “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Октябрь-ноябрь ойларида маҳаллаларда 40 миллион дона манзарали ва мевали дарахт янги тизим асосида экилади. “Маҳалла еттилиги” ҳар бир маҳаллада 30 тадан камбағал оила хонадонига 20 тупдан, 20 минг якка ёлғиз кексалар хонадонига 10 тупдан мевали дарахтлар тарқатади. Шунингдек, “еттилик” ўзига бириктирилган кўчаларда жами 6 миллион дона манзарали дарахт, кўчалар, уйлар, кўп қаватли уйлар атрофига жами 3 миллион мевали ва манзарали дарахт экишни ташкиллаштиради. Барча маҳаллаларда кўчат ярмаркаси ташкил этилиб, 30 миллионта кўчат етказиб берилади.

Президент кейинги йилда “Яшил макон” дастури учун 100 миллиард сўм ажратилишини эълон қилди. Эндиликда дарахтларни 3 йил парваришлаш, касалликдан сақлаш, суғориш харажатлари ҳам инвестиция дастурига киритилади. “Менинг боғим” лойиҳаси бўйича яшил боғ яратишга камида 1 гектар, яшил жамоат парки учун ярим гектардан ер ажратилади. Бу майдонлар экиш мавсумигача “Очиқ бюджет” порталига қўйилиб, дарахт турлари бўйича тавсия ва уларнинг нархи кўрсатилади. Парваришлашда масъулиятсизлик қилган шахсларни мобил илова орқали огоҳлантириш тизими йўлга қўйилади.

Йиғилишда мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Президентимиз “маҳалла еттилиги”ни одамларни жисмоний машқ, юриш, югуриш, велосипед ҳайдашга чорлашда фаол иштирок этишга чақирди. Профессионал ва мактабларда фаолият юритаётган спорт тренерлари маҳаллаларга бириктирилади, тиббиёт бригадалари, оилавий шифокор ва поликлиникалар ишига аҳолини тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини ўргатиш бўйича янги-янги ёндашувлар жорий қилинади. Маҳаллаларнинг жисмоний фаоллик рейтинги тузилиб, энг яхши маҳалла ва оилалар рағбатлантирилади.

БУГУНГИ СОНДА:

“Боғёп”да бекорчилик барҳам топган, жиноят жиловланган

Таҳлиллардан маълумки, жиноятчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ишсиз аҳолини банд қилишга, ёшларни ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратяпмиз. 2-с.

Йўл бўйидаги ерлар аҳолига аукцион орқали сотилса...

Ҳудудимизда тадбиркорлик соҳасига қизиқувчи фуқаролар кўпаймоқда. Улар билан доимий мулоқотда бўлиб, солиқ соҳасида ҳуқуқий тушунчалар беряпмиз. Агар “Наймантепа” ва “Нўш” маҳаллаларидан ўтувчи автомобиль йўл бўйидаги ер майдонлари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга аукцион орқали сотилса, аҳоли ишли бўлиб, солиқ тушуми янада ортарди. 6-с.

Кўмакдан қалб таскин топса, мамнунликдан дил завқланар

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 30 нафар вояга етмаган ўсмирга васийлик тайинланди. Бу каби меҳр ва эътиборга муҳтож болаларга кўпроқ эътибор қаратишга ҳаракат қиламан. Уларнинг юзидаги сўлғинлик, ўзини кераксиздек ҳис қилиш каби туйғуларини аритиш учун “Инсон” маркази психологи ҳар жиҳатдан кўмаклашмоқда. 7-с.

“Еттилик” масъулиятли бўлса, маррага муваффақиятли эришилади

Ҳар бир кўчага бириктирилган жамоатчилик аъзолари, “маҳалла еттилиги” ходимлари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш юзасидан аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот ишлар олиб борилди. 8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari

@mahalladosh_1

@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



МАҚСАД АНИҚ: МАҲАЛЛАДАГИ ҲАР БИР ЁШ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

5-с.



ҚИЗЛАР КАТТА ҲАЁТГА ҚАНЧАЛИК ТАЙЁР?..

8-с.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Мақсад, албатта, ғолиблик, аммо муддаомиз саломатлик

“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида гандбол бўйича “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси кубоги”нинг вилоят босқичлари давом этмоқда.



Мусобақанинг **Хоразм вилояти** босқичига Урганч шаҳридаги Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази мезбонлик қилди. 17-30 ёш тоифасидаги ўғил болалар беллашуви қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Якунда Урганч туманидаги “Обод” маҳалласи биринчи, Янгиариқ туманидаги “Килловут” маҳалласи иккинчи, Боғот туманидаги “Ашхабот” маҳалласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Термиз шаҳрида мусобақанинг **Сурхондарё вилояти** босқичи бўлиб ўтди. Қизғин баҳсларга бой тарзда ўтган турнирда воҳанинг шаҳар ва туманларидан сараланган 30 ёшгача бўлган йигитлар иштирок этишди. 15 та жамоа қатнашган мусобақа якунида 1-ўринни Термиз шаҳридаги “Жайхун” маҳалласи, 2-ўринни Қумқўрғон туманидаги “Жалоир” маҳалласи ва 3-ўринни Бойсун туманидаги “Шўрсой” маҳалласи жамоалари эгаллади.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган вилоят босқичида 16 та туман (шаҳар)дан келган 160 нафардан иборат иштирокчи жамоавий таркибда ғолиблик учун қизғин баҳс олиб боришди. Якуний натижаларга кўра, Ғузор тумани ёшлари биринчи, Қарши шаҳри ёшлари иккинчи, Косон тумани ёшлари учинчи ўринни қўлга киритди. Эндиликда Ғузор тумани жамоаси республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.



Президент Шавкат Мирзиёев 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этади.



Президент маҳаллийлаштириш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.



Давлатимиз раҳбари Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига БАЙРАМ ТАБРИГИ йўллади.

МАҲАЛЛА “ДРАЙВЕР”И — 25 ОКТЯБРЬ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ — МЕНДА САВОЛ БОР...

Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз

Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг илк кунлариданоқ “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғояни илгари сурган эдилар. Мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимидаги туб ислоҳотлар айнан ана шу халқпарвар ғоя асосида амалга ошириб келинмоқда.



Пўлат БОБОЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант.

Ислоҳотларнинг биринчи босқичида ички ишлар органларининг тузилмаси мақбуллаштирилиб, барча бўғин раҳбарларининг халқ депутатлари Кенгашлари ва Олий Мажлис Сенати олдида ҳисобдорлиги белгиланди. Шахсий таркибнинг 85 фоизи қуйи бўғинга туширилиб, аҳолига яқиндан хизмат қиладиган бўлди. Раҳбарларнинг халқ ичига кириб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши йўлга қўйилди.

Айниқса, жойларда ички ишлар идоралари бошлиқларининг 3 секторга раҳбар этиб белгиланиб, тегишли секторда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш асносида аҳолининг дарду ташвишини яқиндан ўрганяпти. Бу борада улар ишсизларнинг бандлигини таъминлаш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини оляпти.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ички ишлар органларининг хизмат фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари белгиланди. Жиноятчиликка қарши курашиш, ижтимоий хавфли жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш борасидаги ёндашув тубдан ўзгартирилди.

Хусусан, ички ишлар органларида криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва жиноятчилик динамикасини прогноз қилишнинг мутлақо янги тизими яратилди. Вазирлик тизимида ташкил этилган Криминология тадқиқот институти бугунги кунда айнан жиноятлар содир этилишининг янги услубларини ва криминоген вазиятни илмий таҳлил қилиш билан шуғулланяпти.

Давлат раҳбарининг топшириқлари асосида маҳаллаларда хавфсиз шароитлар яратилмоқда. Бу жараёнда ҳар қайси ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиняпти. Эндиликда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кунлик ташкил этиши одатий ҳолга айланди. Асосий эътибор аҳоли орасида жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатни ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилмоқда. **Жиноятларнинг сабаблари “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилинаётгани жиноятчиликни жиловлашда яхши самара бермоқда.**

Маҳалла ҳудудини интеллектуал видеокузатув тизими орқали назорат қилиш ҳамда хавфсизлик билан боғлиқ хабарларни профилактика инспектори планшетига дарҳол юбориш бўйича **Хива туманидаги “Истиқлол” маҳалласи тажрибаси бутун мамлакат бўйлаб жорий этилмоқда.**

Бухоро вилояти ҳудудий ички ишлар органларининг 150 нафар профилактика катта инспекторининг учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар)дан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилмоқда. Муҳими, дрон ёрдамида ўзига бириктирилган ҳудуддаги вазиятни назорат қилиши учун янги имкониятлар яратилмоқда. Агар ушбу амалиёт яхши самара берса, уни ҳам мамлакатимиз бўйлаб татбиқ этиш режалаштирилган.

Шунингдек, **Наманган вилоятида** ёнма-ён жойлашган криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни микроҳудудларга ажратган ҳолда, уларда профилактика бош инспектори ва профилактика кичик инспектори лавозимлари киритилди. Ушбу янгилик маҳаллаларда аҳоли осойишталигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашда ўз самарасини беради, деб умид қиламиз.

Гулистон шаҳридаги “Боғишамол” ва “Тараққиёт” маҳаллаларида синовдан ўтган кўп қаватли уйларнинг кириш-чиқиш жойларини видеоназорат қилиш воситалари билан жиҳозлаш тажрибаси эндиликда бошқа жойларга ҳам татбиқ этиляпти.

Ҳозирда ҳар бир маҳаллага камида биттадан профилактика инспектори бириктирилган. Улар кечаю кундуз аҳолининг хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиш имкониятига эга бўлишлари учун ушбу соҳа вакилларига маҳалланинг ўзида 6 552 та хизмат уйи берилди. Бундан ташқари, уларга автомашина харид қилишлари учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Яна бир янгилик, маҳаллаларда “ижтимоий профилактика” тизими яратилди. Унга кўра, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида профилактика инспектори, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси ҳуқуқбузарлик содир этиши ва ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича манзилли ишларни амалга оширмоқда. Бу борада уларга ижтимоий ходим, солиқ инспектори, бандлик ходими, инспектор-психолог, тиббиёт ходими ва бошқа мутасаддилар яқиндан кўмаклашяпти.

Жамоат хавфсизлигини “инсон омили”ни истисно этган ҳолда таъминлаш масаласи доимо вазирлик раҳбариятининг диққат марказида. Ана шу мақсадда **энг олис ҳудудларда жиноятлар бўйича хабарларни қайд қилишнинг “102” автоматлаштирилган тизими жорий этилди.** Маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича баённомаларни электрон тарзда расмийлаштириш амалиёти йўлга қўйилди.

Кўчаларда хавфсизлик ҳолатини кузатиш учун **вилоят марказларида 13 та “Тезкор бошқарув маркази” ҳамда туман-шаҳарларда 130 та “Мониторинг маркази” ташкил этилиб, уларга 19 мингдан зиёд видеокамера интеграция қилинди.**

Маълумки, ахборот коммуникациялари ривожлангани, ижтимоий тармоқлар оммалашгани сайин **аҳоли орасида кибержиноятлардан жабрланаётганлар сони тобора кўпаймоқда.** Шу боис юртдошларимизни огоҳликка чақириш мақсадида виктимологик профилактика тадбирларини кучайтирдик. Ушбу тадбирлар жараёнида банк пластик карталардан қандай хавфсиз фойдаланиш кераклиги, кибержиноятчилардан эҳтиёт бўлиш чоралари аҳолига ҳар томонлама тушунтириляпти.



Яна рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, бу борада тезкорликни ошириш учун патруль-пост хизматида автопатруллар сони кўпайтирилиб, ушбу соҳа шахсий таркибининг 37,8 фоизи автопатруль йўналишларга жалб этилди. Сўнгги пайтларда турли кўнгилсизликларга, ҳатто одамларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келаётган автоҳалокатлар юз бераётгани кўпчиликни жиддий ташвишга солаётгани аччиқ ҳақиқат. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун йўл-патруль хизмати ходимлари 4 629 та “бодикамера”, 1 448 та алкотестер, 4 365 та ҳуқуқбузарликни қайд этувчи планшет ҳамда замонавий патруль автомашиналари билан таъминланди.

Умумтаълим мактабларида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги” ўқув синфхоналари, маҳаллалар ва мактабгача таълим ташкилотларида Йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этувчи болалар майдончалари ташкил этилди. Шу тариқа болаларда йўлларда ҳаракатланиш маданиятини шакллантиришнинг яхлит тизими яратилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Ҳозирда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар билан фақат видеокамера назорати остида мулоқот қилинади. Барча тергов хоналарига видеокамералар ўрнатилган. “Гезелла ойнаси” билан жиҳозланган ва видеоконференцалоқа тизимига уланган 57 та махсус тергов хонаси ташкил этилган. Бу тергов ҳаракатларини холисона олиб борилишининг гаровидир.

Аммо **биз фақат назорат воситалари билангина чекланмаяпмиз.** Аввалambор, шахсий таркибни инсонпарварлик, ватанпарварлик, бурчга садоқат, қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш чораларини кўряпмиз. Бу борада Маънавият ва маърифат дарслари, турли маданий-маърифий тадбирлар, якка тартибдаги тарбиявий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Замон талабларидан келиб чиқиб, **жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш амалиёти тўлиқ рақамлаштирилди.** Тизимда жами 262 та фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилди. Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари билан боғлиқ ҳолатларда *(1102)*, қийин вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга *(1259 ва 1286)*, сайёҳларга *(1173)* ва одам савдосидан жабрланган фуқароларга *(301-01-01)* ҳуқуқий ва тезкор психологик ёрдам кўрсатиш бўйича қисқа рақамли “Ишонч телефонлари” ишлаб турибди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида Юртбошимиз бошчилигида барча соҳаларда улкан тарихий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Президентнинг тегишли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги халқ хизматидаги адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш ғоясидан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистоннинг янги ички ишлар органлари яратилмоқда. **Ички ишлар органлари ходимлари ўз бурчини – “Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз”, деб билишади.** Улар ана шу эзгу мақсад йўлида бор куч, билим ва салоҳиятларини аямайдилар.

Барчамиз яхши биламизки, тинчлик-осойишталикни сақлаш, қонун устуворлигини таъминлаш – мамлакат тараққиёти, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар самарадорлигининг асосий шартларидан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев **“Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим, бу – ички ишлар соҳаси, десак айни ҳақиқат бўлади”,** дея ходимларимизга юксак ишонч билдирдилар. Вазирлик шахсий таркиби бу ишончдан руҳланиб, бундан буён ҳам мамлакатимизда демократик ислоҳотларни изчил давом эттиришга, халқимизни рози қилишга, тинчлик барқарорлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

ФИРИБГАРЛИК

Шу кунларда фирибгарлар телеграм мессенжери орқали юқори лавозимларда ишловчи вазирлик, идора ва турли хил ташкилотлар раҳбар ҳамда масъул ходимлари номидан сохта профиллар яратиб, қўл остидаги ходимларни алдаш ҳолатлари кузатилмоқда.

Бу қандай содир бўлади?! Фирибгарлар корхона ёки ташклот раҳбари номидан телеграм мессенжерида сохта аккаунт очиб, қўл остидаги ишчилардан бирига “SMS” ёзади. Мулоқот давомида ходим билан гуёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қизиқаётгани ва ундан (раҳбардан) баъзи маълумотларни сўрашганини айтади. Бироздан сўнг унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими алоқага чиқишини маълум қилади.

Фирибгарнинг, яъни “ўз раҳбарининг” гапларига ишонган ходим бир неча дақиқадан сўнг у билан алоқага чиққан шахсга *(гўёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакили)* сўраган барча маълумотларини бериб юборади. Бунинг оқибатида **фирибгарлар тузоғига илинган ишчи-хизматчилар пластик карталаридаги пул маблағларидан айрилиб қолмоқда.**

Огоҳ бўлинг, шу турда келган “SMS” ёки бошқа хабарларни қабул қилиш ва ишонишдан олдин телефон орқали қўнғироқ қилиб ёки шахсан хабар юборган шахсга алоқага чиқиб, **хабарни қайта текшириб кўринг!**

Ҳурматли фуқаролар!

Агар сиз шу каби ҳолатларга дуч келган бўлсангиз, Тошкент шаҳар ИИББнинг **71-206-55-00** ёки **“102”** рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз. Мурожаатчининг шахси сир сақланиши кафолатланади.

Тошкент шаҳар ИИББ

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

“Боғёп”да бекорчилик барҳам топган, жиноят жиловланган

“Боғёп” маҳалласи туман марказида жойлашган. Йигин ҳудудида турли давлат ташкилотлари идоралари, мактаб, боғча, маданият саройи, истироҳат боғи ва ўқув марказлари бўлгани учун аҳоли доим гавжум. Бу, ўз навбатида, биздан янада ҳушёр бўлишга, фуқаролар осойишталигини таъминлаш масъулиятини оширади.

Рустем АЛЛАМБЕРГЕНОВ,
Тўрткўл туманидаги “Боғёп” маҳалласи профилактика инспектори, капитан.

Бу ерда иш бошлаганимда ўғрилик, майда безорилик сабаб маҳалла “қизил” тоифада эди. Жиноятларнинг аксарияти истироҳат боғида қайд этилган. Шу сабаб, вазият ва муаммоларни чуқур ўрганиш асосида маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратдик. Аввало, боғ ҳудудига патруль-пост ходимларидан иборат махсус назорат пунктини жойлаштирдик. Чорраҳаларга, аҳоли гавжум жойларга видеокузатув қурилмаларини ўрнатдик. 24 соатлик тунги кузатув назорат тадбирларини амалга оширдик.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш, аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини “хонадонбай” ҳал этиш бўйича ҳар бир оиланинг аҳволини ўргандик. Нотинч, жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишладик. Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик. Энг муҳими, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз.

Таҳлиллардан маълумки, жиноятчиликнинг асл илдизи кўп ҳолларда бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида ишсиз аҳолини банд қилишга, ёшларни ўзи қизиққан бирор касб-ҳунар, спорт ёки санъат билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратяпмиз. Ёшлар етакчиси кўмагида спорт мусобақалари, турли танлов ва маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бу жараёнда ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шавқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган тарғибот тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, “мактаб – ота-она – маҳалла” ҳамкорлигида маҳалла раиси, профилактика инспектори, ота-оналар ва маҳалла фаоллари иштирокида турли учрашувлар, тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар оқибати билан эмас, балки унинг олдини олиш билан курашишимиз натижасида “Боғёп” маҳалласи жиноятдан холи ҳудудга айланиб, “яшил” тоифага ўтди. Бироқ бу ҳолатни ушлаб туриш ҳам осон иш эмас. Шунинг учун тарғибот ишларини янада кучайтириб, жиноятчиликка мойиллиги бор, ишсиз фуқаролар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан тизимли ишлаяпмиз.



Ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этиш чораларини кўрдик.

Келгусида жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун видеокузатув қурилмаларини янада кўпайтирамиз. Энг муҳими, “еттилик” ва тегишли ташкилотлар кўмагида ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш чораларини кўрамиз.

Қувонарлиси, халқимиз бугун ички ишлар тизимидаги ислоҳотларнинг амалий натижасини ўз ҳаётида сезмоқда.



Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида муомалага қўшимча 8 ТРИЛЛИОН СЎМ нақд пуллар чиқарилди.



Давлат хизматчиларининг САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ дастури иш бошлади.



I-IV асрларга оид СОПОЛ БУЮМЛАР Темурийлар тарихи давлат музейига топширилди.

ТАҲЛИЛ

Йил охиригача вилоятда **камбағаллик даражаси 7,8 фоизга тушади**



Маҳалладаги ислоҳотлар бардавом ва самарали бўлиши учун, аввало, тизим ходимларига қулай шароит яратилиши лозим. Буни яхши англаган ҳолда вилоятдаги фуқаролар йиғинларининг моддий-техник таъминотини яхшилашга эътибор қаратяпмиз. 2024 йилнинг шу давригача 14 та янги маҳалла биноси қуриб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 19 таси капитал ва жорий таъмирланди. Бу аҳоли мурожаатлари билан ишлашда самарадорликка сабаб бўлмоқда. Йилнинг ўтган даврида фуқаролардан 47 минг 597 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 23 минг 735 таси маҳалланинг ўзида ижобий ҳал этилди.



Бахтиёр СОАТОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи.

Аҳоли яшаш шароитини яхшилаш мақсадида 45 та фуқаролар йиғинида инфратузилма билан боғлиқ муаммо бартараф этилди. Янги электр, табиий газ, ичимлик сув тармоқлари тортилди, 184 км. масофадаги кўчалар асфальтланди.

Камбағаллик — оғир масала. Тўғри ёндашмасдан, сабабларини ўрганмасдан, оилаларни қўллаб, рағбатлантирмасдан, натижага эришиб бўлмайди.

“Маҳалла еттилиги” олиб борган ўрганишларга кўра, вилоятда жорий йил бошида 47 минг 386 та камбағал оила рўйхатга олинган. Унда яшовчи 209 минг 999 нафар фуқаро



қўмакка муҳтож, деб топилган. Ўтган даврда кредит ажратиш ҳисобига 13 минг 516 нафар ишсизнинг доимий бандлиги таъминланди, 2 минг 690 нафарига ижара асосида ер ажратилди. Бундан ташқари, 1 минг 510 нафарига субсидия берилди, 34 минг 708 нафари ўзини ўзи банд қилди. Касб-ҳунар марказларига йўналтирилганлар 3 минг 313 нафар бўлса, қолганлар янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш ҳамда “20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури доирасида камбағалликдан чиқарилди. Жами 114 минг 406 нафар фуқаро доимий даромад топиш имконига эга бўлди.

Жорий йил янги тизим асосида аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг йўналишлар ва ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлари тасиқланди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни қўллаб-қувватлаш ишлари давом этмоқда. Қайта хатловда аниқланган энг оғир шароитда яшаётган 4 минг 446 та оилага раҳбарлар бириктирилди. Бугунги кунгача 2 минг 999 та оилага турли кўринишдаги ёрдам берилди. Йил якунига қадар камбағаллик даражасини 7,8 фоизга тушириш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Бунинг учун маҳаллаларга банк ходимлари бириктирилиб, бандлик дастури асосида 251,9 млрд. сўм кредит ажратилган.

Бугунги глобаллашув даврида маънавиятга эътибор долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу талабдан келиб чиқиб, Президент ташаббуси билан “Маънавият сектори”ларини ташкил этиш белгиланганди. Ўтган вақт мобайнида барча ҳудудларда “Маънавият сектори” ташкил этилди. Вилоятдаги бошқарма бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари туман (шаҳар) “Маънавият сектори”га масъул этиб белгиланди. 13 та маҳаллада “Маънавият сектори”нинг бошланғич таянч тузилмалари ташкил этилди.



Улар ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаш, ёшларга алоҳида эътибор қаратиш, бой қадриятларимизни асраб-авайлаш, китобхонликни ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда мафкуравий иммунитетини ошириш борасида иш олиб бормоқда. Режа асосида 123 та маҳаллада “Менинг танловим – обод Ватаним”, “Менинг овозим – Ватан келажагига дахлдор” каби мавзуларда ҳуқуқий тарғибот олиб борилди. Барча маҳаллаларда маънавий-маърифий ҳамда маданий тадбирлар ташкил этилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ўсиш нуқта ривожида оқова сув муаммо

Маҳалламиз азалдан анорчиликка ихтисослашган ҳудуд сифатида ном қозонган. 540 та хонадон бўлиб, шундан 98 фоизи анорчилик билан шуғулланади. Ҳар бир оилада 10-25 сотихгача анорзор мавжуд. Гектаридан 30-40 тоннагача ҳосил олинади. Деҳқонларимиз нафақат анор мевасини етиштириш, балки кўчат парваришш ва етказиб беришда етакчи. Эътиборлиси, ҳосилнинг аксарият қисми ички бозорда сотилиб, бир қисми хорижга экспорт қилинади.



Нодир НАЗИРОВ, Навбаҳор туманидаги “Армижон” маҳалласи раиси.

Шомурод Умаров хонадонида анорнинг 4-5 хил навини парваришлайди. 25 сотихлик томорқасининг 15 сотихига анор эккан. 3 сотихида 4 мингтадан ортиқ кўчат етиштиради. Шунга яраша анорзорнинг ҳар сотихидан 4,5-5 миллион сўмгача даромад қилмоқда. Сезганингиздек, кўчатчиликнинг ўзидан йилига 15 миллион сўм фойда кўради.

Зайниддин Қосимов ҳам шундай “анорчи”лардан. Айни пайтда ҳовлисида 75 туп анор дарахти мавжуд. Ҳар йили 25-30 миллион сўм атрофида даромад олади.

Маҳаллада бирорта бекорчи одамни учратмайсиз. “Иш йўқ, ёрдам керак”, мазмунидаги гап-сўзга ўрин қолмаган. Ишсизликдан холи ҳудудмиз. Йил бошида 26 нафар миграциядаги фуқаро рўйхатга олинганди. Улар билан алоҳида иш олиб бордик. Ўзимиздаги мавжуд имкониятларни тушунтирдик. Натижада 8 нафар маҳалладошимиз ватанга қайтди. Улар имтиёзли кредит ажратилиши ортидан кўчатчиликни йўлга қўйиб, ўзини ўзи банд қилди.

“Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги Президент фармони асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури йўлга қўйилди. Шу асосида биз ҳам “Камбағал оилалар учун еттита имконият ва масъулият” тамойилини жорий этдик. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда камбағал оилаларнинг ижтимоий шароити ва камбағалликка тушиш сабаби ўрганилди. Унга кўра, 5 та камбағал оила аниқланиб, ҳозиргача 3 таси рўйхатдан чиқарилди. Битта оила бошлиғи ишга жойланиб, 2 оила вакиллари касб-ҳунар ўрганиши учун мономарказга йўналтирилди.

Ўсиш нуқтамизни янада ривожлантириш, томорқадан самарали фойдаланиш учун оқова сув танқислиги тўсиқ бўлмоқда. Шу боис туман ҳокимлигига ҳар бир хонадонда артизиан қудуқ қазиб, сув чиқариш таклифини билдирдик. Агар таклифимиз ижобий ҳал бўлса, “драйвер”имизни ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишга тушади. Жумладан, қўшни “Дулдул”, “Ромитан”, “Ҳашман” маҳаллаларига кўчат етказиб бериш йўлга қўйилади.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Лочинбек РАШИДОВ. Балиқчи тумани:

— “Маҳалла еттилиги” фаолиятини фуқаролар йиғини раиси мувофиқлаштириши белгиланган. Жумладан, ходимлар меҳнатига маҳалла фуқаролар йиғини раиси тўлдирган табель асосида ҳақ тўланади. Мана шу жараён ҳақида маълумот берсангиз.

ТАБЕЛЬ ҚАНДАЙ ТЎЛДИРИЛАДИ?



Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

— “Маҳалла еттилиги” ходимлари давоматини юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ҳамкорлигини самарали таъминлаш ҳамда “маҳалла еттилиги” фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тартибга солинган.

Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторининг ишга келиб кетиши бўйича давоматни (табелни) юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномада маҳалла раиси ҳар ой якунлари бўйича ходимларнинг ҳисобга олиш дафтаридаги ишга келиши ва ишдан кетишини мониторинг қилинади.

Табелга ҳар бир аъзонинг ҳақиқатда ишлаган вақти меҳнат қонунчилигига мувофиқ киритилади. Тасдиқланган табелнинг кўчирма нусхаси “маҳалла еттилиги” аъзоларининг меҳнатига иш ҳақи ҳисоблаш учун уларнинг кадрлар билан ишлаш бўйича ҳудудий мутахассисларига ҳар ойнинг охирги санасида юборилади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

КЎЧАБОШИ ВА УЙБОШИЛАР ҚАНДАЙ САЙЛАНАДИ?

Достон БОБОНАЗАРОВ. Чортоқ тумани:

— “Маҳалла еттилиги” ходимларига кўмаклашиш мақсадида кўчабоши ва уйбошилар сайланишини биламиз. Улар фаолиятини қандай тартибда амалга оширади? Вазифа ва ҳуқуқлари нималардан иборат?

Тельман ЎРИНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

— Кўчабоши ва уйбошилар фаолиятини “Кўчабоши ва уйбошиларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низомга кўра, жамоатчилик асосида олиб боради. Уларни аҳоли сайлайди. Сайловда номзодларнинг ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажрибаси ва тегишли ҳудудда обрў-эътиборга эга бўлиши устунлик беради.

Кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида уларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация тўловлари Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида тўланади.



Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол меҳнат қилаётган кўчабоши ва уйбошиларни рағбатлантириш тариқасида пул мукофоти ва эсдалик совғалари билан тақдирлаши, давлат ва бошқа мукофотларга тавсия этиши мумкин.

Ўзига бириктирилган кўчалар ёки кўп квартирали уйларда яшовчи аҳолининг рўйхатини шакллантириш, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича фуқаролар йиғини кенгашига таклифлар киритиш, “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этишга кўмаклашиш, шунингдек, ўзига бириктирилган кўчалар ёки кўп квартирали уйлар атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, таъмирлаш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигига хавф туғдирувчи ҳолатлар ҳақида фуқаролар йиғини раиси, профилактика инспекторига хабар бериш, фуқаролар йиғини кенгашининг аъзоси сифатида йиғилишларда аҳолининг истакларини ва ўз таклифларини билдириш, ихтиёрийлик асосида ҳашар ва ободонлаштириш тадбирларига жалб этишга кўмаклашиш ҳам бевосита уларнинг иштирокида амалга оширилади.

Қолаверса, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга, боқувчисини йўқотган, нотинч ва муаммоли оилаларга ёрдам кўрсатади, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш ва тегишли ҳудудни намунали сақлашга кўмаклашади.

Фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш, ҳудудда оилалар ва муайян шахсларга ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, иш жараёнида унга ўзгартириш киритиш, фаолият йўналишига оид у ёки бу масала юзасидан қабул қилган қарорларини кўриб чиқиш учун фуқаролар йиғини кенгашига тақдим этиш ҳуқуқига эга.



Инвесторлар давлатимиз раҳбарига чиқиндидан электр энергияси ва маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларини ТАҚДИМОТ ҚИЛДИ.



Президент Шавкат Мирзиёев “GREEN UNIVERSITY”да яратилган шароитлар билан танишиб, талабалар билан суҳбатлашди.



Олий Мажлис Сенатининг эллик тўққизинчи ЯЛПИ МАЖЛИСИ бўлиб ўтди.

Ижро иши қачон тўхтатилади?

Сарварбек САЙИДОВ. Гулистон тумани:

— Тадбиркорга давлат томонидан ижро ишини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш бўйича қандай енгиллик бор? Қарздорнинг талаби билан ижро иши кечиктирилиши мумкинми? Қандай ҳолатларда тўхтатиб қўйилади?

Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлиги мультимедиа маркази раҳбари:

— “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки Савдо-саноат палатаси, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ижро ҳужжати берилган судга қарздор тадбиркорлик субъектининг манфаатини кўзлаб, кечиктириш ёки бўлиб тўлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Бундан ташқари, юқоридаги қонунда қарздорнинг талаби билан ҳам ижро иши кечиктирилиши мумкин. Бунинг учун ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда давлат ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризаси ёки ўз ташаббусига кўра, ўн кундан кўп бўлмаган муддатга кўпи билан икки марта кечиктира олади.

Қонунга асосан, ижро иши юритиш қандай ҳолларда тўхтатиб турилиши ҳам белгиланган. Жумладан, қарздор вафот этганда, у вафот этган, деб эълон қилинганда ёки бедарак йўқолган, муомалага лаёқатсиз, деб топилганда — қарздорнинг ҳуқуқий ворислари аниқлангунча, бедарак йўқолганнинг мол-мулки суд томонидан ҳомийлик ва васийлик органлари белгилаган ишончли бошқарувчига топширилгунча ёки муомалага лаёқатсиз қарздорга ҳомий тайинлангунига қадар, қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш бўйича иқтисодий суд томонидан иш юритиш қўзғатилганда, қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги тўғрисидаги иш бўйича қарор қабул қилингунича ижро иши юритиш тўхтатиб турилади.



Қолаверса, шундай тартиб ижро ҳаракатлари, ижро ёки уни беришга асос бўлган ҳужжат юзасидан, шунингдек рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолаш натижалари юзасидан низолашилаётганда, давлат ижрочисининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят берилганда, медиация тартиб-таомили амалга оширилганда — ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга амал қилади.

“Йил якунигача камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудуд бўламиз”

САРҲИСОБ



“Маҳалла етилиги” фаоллияти йўлга қўйилгач, фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги биринчи масъул шахсга айланди. Тизимнинг тўлақонли ишлаши, аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал қилиш, ишсизлик, йиғинини жиноятчилик, оилавий ажралиш, камбағаллик ва миграциядан холи ҳудудга айлантириш биринчи навбатда маҳалла раисига, унинг фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ.



Уйғун ҲОТАМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

Вилоятда бу борадаги ўзгаришларни, аввало, маҳалланинг ўзидан бошладик. “Еттилик” ходимларининг билим ва малакасини ошириш мақсадида услубий қўлланма билан таъминланди. Фуқаролар йиғини биносида “услубий бурчак” ташкил этилди. Бундан ташқари, Боёвут туманидаги “Совотобод”, “Наврўз”, Ховос туманидаги “Қайирма”, “Қорақум”, Гулистон шаҳридаги “Ибратли”, Янгиер шаҳридаги “Маърифат” маҳаллалари ходимлари янги бинода иш бошлади. Янгиер шаҳридаги А.Жомий ва Бобур номидаги ҳамда “Бинокор” маҳаллалари капитал таъмирланди. Ўз навбатида 48 та маҳалла компьютер, 18 таси принтер ҳамда 41 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди.

Хонадонма-хонадон ўрганишлар асосида маҳалла, туман (шаҳар) ва вилоят “баланс”и шакллантирилди. Маълумотлар асосида эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак кўрсатилди.

Жумладан, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан 150 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига байрам дастури намойиш этилди, касалхонада даволанаётган 55 нафар болалар ҳолидан хабар олинди, 220 нафар ногирон ўғил-қизга байрам совғалари тарқатилди. Мустақилликнинг 33 йиллиги муносабати билан 33 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилиб, яна 300 нафари мактаб формаси ҳамда ўқув қуроллари билан таъминланди. Бундан ташқари, 1 453 та оилада яшовчи ёлғиз кексалар, 432 та боқувчисини йўқотганлар ҳамда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадонида ҳашар ташкил этилди.

Маънавият йўналишида “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!” шиори остида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. “Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига 33 та лойиҳа” танловининг республика босқичида Боёвут туманининг “Зиёкор” маҳалласи 50 млн. сўмлик, Гулистон шаҳар “Ниҳол” ҳамда “Шодлик” маҳалласи 40 млн. сўмлик, Ширин шаҳар “Дўстлик” маҳалласи 15 млн. сўмлик грант лойиҳалари ютиб олди. Март ойи вилоятда “Маҳалла еттилиги ойлиги” деб эълон қилинди. Ойлик доирасида 3 000 дан ортиқ кўчаларда “Энг озода дарвозахона” шиори остида тадбир ўтказилди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида ўтказилган хатловда 3 286 та камбағал оила аниқланиб, дастлабки босқичда уларга туман (шаҳар) ҳамда вилоят ташкилотлари раҳбарлари бириктирилди. Қисқа вақт ичида 1 455 нафар эҳтиёжманд оила аъзоларига ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 114 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди, 33 нафари касб-ҳунарга йўналтирилди, 82 нафарига кредит ажратилди, 410 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, даволанишга ётқизилди, 79 та оила хонадони таъмирланди. Камбағаллик даражаси юқори, инфратузилмаси “оғир” бўлган 53 та маҳаллани ўрганиш мақсадида 7 та “кичик гуруҳ” ташкил этилиб, улар томонидан қўшимча 10 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

Ҳар қандай иллатнинг илдизи ишсизликдир. Бекорчилик кўп муаммоларга замин яратади. Жиноятчилик ошади, оилаларда нотинчлик пайдо бўлади, болаларнинг тарбияси бузилади. Шунинг учун вилоятда янги иш ўринлари яратиш, бандликни таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳоким ёрдамчилари иштироки ва ташаббуси билан жорий йилнинг шу давригача 5,7 минг микролойиҳага 175,3 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Натижада 9,2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Йил бошидан деҳқончилик учун 6,4 минг нафар фуқарога 3,1 минг гектар, шундан 6,1 минг нафар ёшга 3 минг гектар ер ижарага берилди. “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида аҳолига деҳқончилик учун ажратилган 348 гектар майдонга эга 27 та контурда 10,7 млрд. сўмлик намунавий лойиҳалар амалга оширилди. Агрегаторлар (экспортёр, қайта ишлаш корхонаси) бириктириш орқали 17,7 минг тонна юқори даромадли маҳсулот етиштирилди. Тижорат банклари ҳар бир ҳудуддан танлаб олинган 2,2 млрд. сўмлик лойиҳани молиялаштирди.

Албатта, бу ишлар тўхтаб қолмайди. Чунки фуқароларимизнинг турмуш даражасини кўтариш олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Йил якунигача барча маҳаллаларни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш чоралари белгиланган. Бунинг учун имконият ва салоҳиятимиз етади.



СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Дилшод ЖУМАБОЕВ. Норин тумани:

— Оилавий тадбиркорлик дастури асосида қандолат корхонаси ташкил этганман. Қўшимча 4 та иш ўрни яратганман. Маҳсулот тайёрлаш жараёнида эҳтиётсизлик қилиб, газ хисоблагич муҳрини бузиб қўйдим. Бунинг учун менга қанча жарима қўлланилиши мумкин?

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ МУҲРИ БУЗИЛСА, ҚАНДАЙ ЖАРИМА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?



Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ, “Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш тақиқланади. Шунингдек, электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига ҳамда уларнинг муҳри қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Агар қилмишингиз юқоридаги каби ноқонуний ҳаракатни амалга ошириш учун қасддан муҳр бузишга қаратилган деб топилса, сизга базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 дан 25 бараваригача жарима қўлланилиши мумкин.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Токни кузда эккан маъқулми ёки баҳорда?

Кўп ҳолларда узум етиштиришни бошловчилар токни қайси даврда экиш фойдали эканини сўрашади. Аслида кузги ва баҳорги экишнинг ўз қулайликлари бор.



Масалан, кузги экишда кўчатларни ёпиш, баҳорда яна очиш керак. Шу билан бирга, ёғингарчилик туфайли тупроқ жуда зичлашади. Бу туплар атрофини юмшатиш учун қўшимча ишчи кучи талаб қилади. Баҳорги даврда бундай ноқулайлик кузатилмайди.

Экишдан кейин устунлар қўйилади, сўри ўтказилади. Биринчи сўрига ҳар бир кўчат учун томизғичли суғориш қувури қурилади. Экин дастлаб ўралади. Бунда узум кўчати поясидаги куртаклар 2-3 тадан кўп бўлмаслиги керак. Ток туплари нам ерга вақтинчалик кўмиб қўйилади. Экишдан олдин илдиз ости тупроқ янги гўнг билан аралаштирилади. Бу қуриб қолишига имкон бермайди. Кўчатларнинг чуқурлиги тупроқ унумдорлигига мувофиқ белгиланади.

Тик қиялик ва шағалли тупроқда кўчатлар 60-70 см. чуқурликда экилади. Бундай чуқурлик енгил қумлоқ тупроқда ҳам қўлланади. Оғир лой тупроқда чуқурлик 30-35 см.га камайтирилади. Суғориш соз тупроқда чуқурлик 40-45 см. ни ташкил этса, шартли суғоришда 45 -50 см. етарли бўлади.

Олмани қуёшдан ҳимоялаш чораси борми?

Қуёш куйдирувчи шохлар, одатда, ҳосил оғирлигидан эгилиб қолган бўлади. Бунинг олдини олиш учун ҳосилни камайтириш ёки шохларнинг қалинлигини таъминлаш керак.



Яъни, барглар сонини ошириб, меваларни куйишдан сақлаш мумкин. Чунки барг билан тўсилган мева қуёшда куймайди. Аммо жуда кўп барг мева рангининг ёмонлашишига олиб келади. Айниқса, Гренни Смит нави қуёшда куйишга мойил. Унинг ранги теримгача яшиллигича қолиши керак.

Меваларни сийраклаштиришни кеч амалга оширманг. Теримдан 3 ҳафта олдин рангли олма дарахтларининг шохини кесиш зарур. Олмаларнинг қуёшда куйиши жуда кўп мевани чиқитга чиқаради. Бу ҳолат ривожланишнинг турли даврида бўлиши мумкин. Лекин теримдан 3 ой олдин кўп куяди. Бунинг зарари олма пўстлоғининг ҳарорати 45 даражадан ошганда яққол намоён бўлади. Сарғиш кўриниш, баъзан кулранг рангсизланиш ва мева пўстининг ёрилиши куйиш белгилари ҳисобланади.

Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.



Касбий таълимнинг барча даражалари бўйича кадрлар тайёрлайдиган ЯГОНА ТЕХНИКУМЛАР ТАРМОҒИ ташкил этилади.



Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ТЕХНИКУМЛАРГА БИРИКТИРИЛАДИ.



2025 йил 1 январдан техникумларнинг директор ва директор ўринбосарини очиқ танлов асосида ТАНЛАШ ТАРТИБИ жорий қилинади.

ТАҲЛИЛ

Мақсад аниқ: маҳалладаги ҳар бир ёш ўзгаришларни ҳис этиши керак



Ёшлик — киши умрининг баҳори. Бу даврда экилган уруғ тўғри парвариш қилинса, замирда мустаҳкам илдиз отиб, мўл ҳосил беради. Шу маънода инсон ҳам айнан ёшлик чоғида жамиятда ўзига муносиб ўринни топишга интилади. Меҳнат фаолиятини йўлга қўяди, оила қуради, илм-фан, санъат ёки спорт соҳалари билан жиддий шуғуллана бошлайди. Айни шу паллада унга давлат ва жамиятнинг қўллаб-қувватлови ҳар қачонгидан-да кўпроқ зарур бўлади. Чунки инсоннинг ёшлик даврида амалга оширган танловлари унинг тақдирига кучли таъсир кўрсатади.



Соғиндиқ ТУРМАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ҳам айни йўналишдаги ишларни Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамоҳангликда олиб бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида жорий йилнинг бошида ҳар бир хонадонга кириб, ёшларнинг муаммолари ва қизиқишлари ўрганилди. Шунга асосан, 447 минг 460 нафар (49,8 фоиз) ёш хатловдан ўтказилиб, “яшил”, “сариқ”, “қизил” тоифаларга ажратилди. Улар билан манзилли ишлаш бўйича 9 та йўналишда махсус комплекс дастур ишлаб чиқилди. Хусусан, “оталиққа олинган” 205 минг 459 нафар ёш алоҳида эътиборга муҳтож “оғир” ҳолатдаги, ташқи миграциядан қайтган, мактаб ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабаларини ўз ичига олади.

Маҳаллаларда олиб борилган суҳбатлар натижасида ёшлар ўртасида 16 минг 94 та муаммо аниқланиб, 10 минг 630 нафарининг муаммоси ҳал қилинди. Қолган масалаларни ҳал этишда “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, “кунбай” муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

“Оғир” тоифадаги ёшлар доимий назоратимизда туради. Улар 359 нафар сектор, вазирлик ва идора раҳбарлари, уларнинг ўринбосарларига бириктирилган. Ўзаро учрашувларда 2 минг 178 та муаммо аниқланган бўлиб, шундан 1 минг 369 таси ижобий ҳал қилинди. Асосий ёрдам сифатида ёшлар доимий иш ўринларига жойлаштирилди, имтиёзли кредит асосида ер майдонлари, асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари учун субсидиялар ажратилди, қизиқишларига қараб замонавий касблар ва илм-фан йўналишида ўқитилди. Шунингдек, шартнома ва сафарбарлик чақирув резерви бадал тўловлари қоплаб берилди.



Ёшлар билан ишлашда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 1 минг 361 нафар жиноят содир этишга мойил бўлган ёшнинг рўйхати шакллантирилди. Шунга асосан, улар туман (шаҳар) ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбар ва ўринбосарларига, ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди. Уларга бир марталик моддий ёрдам, озиқ-овқат, кийим-бош ва бошқа ёрдам турлари кўрсатилди. Ҳунар эгаллашни мақсад қилганлар касб-ҳунарга ўқитилиб, доимий иш ўринларига жойлаштирилди.

Бундан ўн йилча муқаддам ёшларнинг мактабни тугатиб, ишлаш учун чет элга кетиши одатий қабул қилинарди. Бугун вазият тамомила ўзгарди: ҳар бир ёшнинг, аввало, касб-ҳунар эгаллаши, билим олиши таъминланяпти, уларни шу ернинг ўзида, керак бўлса, маҳалласидан чиқмаган ҳолда ишли қилиш чоралари кўриляпти. Хорижда ишлаётган, даромади унчалик юқори бўлмаган ёшлар билан онлайн мулоқотлар ўтказилиб, уларнинг юртга қайтишига шароит яратилмоқда. Хусусан, хатлов давомида 13 минг 811 нафар (4 фоиз) хориждаги ёшлар баланси шакллантирилди. Миграциядан қайтиб келган ишсиз ёшларнинг 652 нафари ишга жойлаштирилди.

Йўлга қўйилган яхлит вертикал бошқарув тизими натижасида маҳаллада ёшлар учун 100 дан ортиқ имконият яратилди. Хусусан, “Ёшлар дафтари” тизими йигит-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлаш борасида том маънода имкониятлар дафтари вазифасини ўтамоқда. Жорий йилда 13 минг 822 нафар ёш мазкур дафтарга киритилиб, шу кунга қадар 8 минг 110 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, касб-ҳунар ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари ва субсидиялар ажратиш натижасида ёшларнинг бандлиги таъминланди ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг муаммолари ҳал этилди.

Бугун янги Ўзбекистон ёшлари дунё ёшлари билан барча соҳада беллашишга тайёр. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, хорижий тил ва замонавий касбларга ўқитиш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Иқтидорли ёшлар баланси” шакллантирилди. Жорий йилдан бошлаб йигит-қизлар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар ойда бир маротаба “Зукко китобхон” танлови йўлга қўйилиб, шу кунга қадар ғолиблар 77 миллион сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Йигит-қизларнинг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқиши ҳисобга олиниб, “Ҳар бир маҳаллада камида икки нафар дастурчи” лойиҳаси доирасида чет тилларига ўқитилди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда 3 минг 309 нафар ёш инглиз ва немис тиллари бўйича сертификат олишга эришди. Халқаро имтиҳон тизимларидан юқори балл тўплаган 494 нафар ёшга 998 миллион сўм миқдорида имтиҳон топшириш харажатлари қоплаб берилди.

Ҳозирда “Ибрат фарзандлари” орқали 75 минг 812 нафар ёш 23 та хорижий тилни ўрганмоқда. Шундан 16 минг нафари тил сертификатларини олган. “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида 1 минг 130 нафар йигит-қиз қамраб олинган. “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этиш учун 441 минг 632 нафар ёш онлайн рўйхатдан ўтган.

“Ёшларнинг бўш вақти — етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалла ёшларининг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган 12 минг 855 та кунлик тадбирлар ўтказилди. Шунингдек, мактабларнинг спорт мажмуалари ва кутубхоналарда ҳар куни тўгарак ва машғулотлар йўлга қўйилиб, ўртача 12 мингдан ортиқ йигит-қизнинг бўш вақти мазмунли ташкил этиляпти.

Умуман олганда, мамлакатимизда ёшлар қатлами жами аҳолининг қарийб 60 фоизига яқинни ташкил этар, яқин ўн йилликларда бу қатлам давлат ва жамият бошқарувида ҳал қилувчи кучга эга бўлишини тасаввур қилсак, ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланиш, муаммоларини вақтида ҳал этиб, шахс сифатида ривожланиши учун барча шароитларни яратиш, профессионал касб маҳоратини шакллантириш каби вазифалар ниҳоятда долзарб экани ойдинлашади.

Ёшлар сиёсати соҳасида қабул қилинаётган режа ва дастурларимиз қанчалик жозибали ва жарангдор бўлмасин, уларнинг ҳаётга қай даражада кенг татбиқ этилаётгани ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу маънода ҳамкор ташкилотлар билан ижро интизомига қатъий риоя этсак, ҳар бир топшириқ ва вазифанинг ижросини белгиланган муддатларда, юқори даражада таъминласак, ёшлар манфаати йўлидаги ислоҳотлар самарасини маҳалладаги ҳар бир ёш ўз танасида ҳис этади, бундан баҳраманд бўлади.

МАНЗАРА

Йигит-қизлар шахсий ва касбий салоҳиятини намоён этарди, агар...

Маҳалламизда истиқомат қилувчи 1 134 нафар аҳолининг 657 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларга берилаётган имкониятдан оқилона фойдалана олишлари учун бор куч-ғайратимни ишга соляпман.



Илҳом ЖУМАЕВ, Қизириқ туманидаги “Чодлик” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Фаолиятим давомида 50 нафар йигит-қизнинг шартнома тўловига маблағ ажратилди. Тўловни амалга ошириш учун рўйхатда бўлмаган, аммо имкони йўқларни таълим кредитига йўналтирдим. 62 нафар ёшга тадбиркорлик бўйича кредит ажратилишида кўмаклашдик. 17 нафарига субсидия асосида тикув машинаси, ер ҳайдайдиган моторкультиватор олиб берилди.

Ҳозирги кунда чорвачилик бўйича иш бошламоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаяпмиз. Миграциядан қайтган ёшлардан бирига ишсиз юргани боис чорвачиликни бошлаши учун 20 миллион сўм кредит ажратдик. 10 та қўй олиб берилди. Ҳозир чорвани кўпайтириб, мўмай даромад топяпти. Яна бир мигрант йигитимиз Бахтиёр Болтаев билан телефон орқали суҳбат қилганимда бир ой давомида ишсиз юрганини билдирди. Айтишича, ўтган йили четга кетган, аммо ўзи кутган даромадга эриша олмаган. Унга имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик қилишини маслаҳат берганимда рози бўлди. Келиш пулини ота-онаси тўлаб берди. Етиб келиши биланоқ, уни “Ёшлар дафтари”га киритдик. Аукционда 30 сотих ер олишида ёрдам бердик. Ерда пиёз, кўкат экиб, бир мавсумда 60 миллион сўм даромад қилди. Фойдадан автомобиль ҳам сотиб олди. Бу йигитдан кейин четдан қайтган мигрантларнинг сони кўпайди. Ҳозир уларга иш ўринларини таклиф қилиб, тадбиркорлик қилиш ниятида бўлганларга йўл-йўриқ кўрсатяпмиз.

Бундан ташқари, йиғинимизда, асосан, деҳқон хўжалиги ривожлангани сабаб 30 нафар ишсиз ёшга аукцион орқали ер ажратилди. Улар ерга ишлов бериб, пиёз, маккажўхори экишди. Ҳозир йиғим-терим ишлари авжида. Яна икки нафар йигитга 100 миллион сўм кредит ажратиб, бирига шампунь ва суюқ совун ишлаб чиқарадиган фабрика, яна бирига мебель ясайдиган корхона очиб бердик. Бугунги кунда улар 40 миллион сўмдан фойда қилади. Ёшларнинг аксарияти давлат ишида ишлайди. Бу йил 4 нафар битирувчи ишга жойланди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган “Беш ташаббус олимпиадаси”доирасида йигит-қизларимиз спорт соҳасида ўз имкониятларини намойиш этиб, фахрли ўринларни эгаллади. Хусусан, Чарос Кўчарова шахмат-шашка мусобақасида республика миқёсида 1-ўринни қўлга киритди. Ютуқ эвазига маҳалламиз гузарида катта мини стадион қурилди. Енгил атлетика бўйича вилоятда ўтказилган мусобақада 22-27 ёш тоифасида жамоавий 2-ўринни олдик. Бундан ташқари, ёшлар орасида китобхонликни ошириш мақсадида ташкил этилган “Ёш китобхон” танловида Суннатилло Бойматов вилоят бўйича 2-ўринга муносиб кўрилди.



Ногиронлиги бор ёшлар ҳам эътибордан четда қолмаслигига катта аҳамият бераман. Йиғинимизда 4 нафар шундай ёш истиқомат қилади. “Беш ташаббус олимпиадаси”га уларни жалб қилдим. 3 нафари шахмат-шашка бўйича қатнашди. Улардан 2-гуруҳ ногирони Исфандиёр Жўраев туман бўйича 2-ўринни олди. Бир нафар қизимиз Гулирайҳон Умарова ушбу олимпиадада тикувчилик йўналишида иштирок этишни билдирди. Уни мономарказда тикувчиликка ўқитиб, сертификат олиб бердик.

Таклифим: маҳалламиз ҳудудида Ёшлар маркази очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу ерда Wi-Fi тармоғига эга коворкинг майдони, маъруза заллари, кутубхона, математика, робототехника, инглиз тили курслари ташкил этилиб, маҳалла ёшлари учун бепул тақдим этилса, йигит-қизлар ўзини шахсий ва касбий ривожлантиришга, салоҳиятини намоён этишга интиларди. Бунинг учун Ёшлар марказини ташкил этиб, уларнинг янги ғояларини қўллаб-қувватлаш лозим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Хусусий университет талабасига ижара пули бериладими?


Лобар ҲАСАНОВА. Узун тумани:

— Хусусий университетда 2-босқич талабасиман. Ўзим ҳозирда ижарада яшайман. Шерикларим давлат олийгоҳида ўқийди, уларга ижара пулининг маълум қисми тўлаб берилади. Мен ҳам ижарани қоплаш мақсадида хусусий университетга мурожаат қилсам бўладими? Улар ижара пулини тўлаб берадими?

Назокат АБДУҚУНДУЗОВА, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги матбуот котиби:

— Афсуски, хусусий олий таълим муассасаларида ўқиётган талабалар учун ижара пули қоплаб берилмайди. Фақат давлат олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимида таҳсил олаётган талабаларгина бу имтиёздан фойдаланиши мумкин. Бунга хорижий ҳамкорликдаги олий таълим дастурлари ва факультетлари бўйича ўқиётган талабалар кирмайди.

Амалдаги тартибга кўра, давлат олий таълим муассасаларида ўқиётган, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган, ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларнинг ижара шартномасининг суммасидан қатъи назар, ижара харажатлари Тошкент шаҳрида — БҲМнинг бир баравари — 375 минг сўм, қолган ҳудудларда — БҲМнинг ярим баравари — 187,5 минг сўм миқдорида Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Шартнома асосида ўқиётган ёки грантда таҳсил олаётган талабалар ўртасида фарқ йўқ — иккаласи ҳам имтиёзга эга.



Ижара пули қоплаб бериладиган талабаларни олий таълим муассасаларидаги махсус комиссиялар танлаб олади. Ушбу комиссиялар ҳар бир талабани саралашда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини ҳисобга олади.

ОМБУДСМАН Президентга, парламентга ва ҳукуматга махсус маърузалар тақдим этиши мумкин.



2026 йилда АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШни ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинди.



Ўзбекистонда спорт турининг тармоқларини эътироф этиш реестрида 156 ТА СПОРТ ТУРЛАРИ қайд этилган.

НАТИЖА

Маблағлар энг долзарб муаммоларга мақсадли сарфланади

Самарқанд вилоятидаги 1 126 та маҳаллада аҳоли муаммоларини ҳал қилиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш ва аҳолини ишли қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 74 568 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.



Шерали ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида 19 848 та микролойиҳага жами 487,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиб, 34 520 нафар аҳоли ишли бўлди. Вилоятда ер олиш, ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган 6 575 нафар ёшга 2,1 минг гектар ер майдони ажратилди. Шу билан бирга, 98 400 та камбағал оиланинг 20 488 таси камбағаллик даражасидан чиқарилди.


Аҳоли муаммолари мунтазам ўрганилиб, тизимли ҳал этилмоқда. Жумладан, 131 138 та муаммо аниқланиб, уларнинг 111 201 таси (84,7 фоизи) ижобий ечим топди. 397 км. ички йўлларга асфальт, 1 837 км. тупроқ йўлларга шағал ётқизилди, 281 та янги трансформатор қўйилди, 9 671 та симёғоч алмаштирилиб, 6 312 та қўшимча устун ва 641 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Аҳолига 392 875 дона суюлтирилган газ баллонлари етказилди. 119 км. ичимлик сув тармоғи тортилиб, 88 та янги ичимлик сув иншооти қўйилди.

Шунингдек, 79 853 нафар аҳоли тиббий кўрикдан, 384 нафари жарроҳлик амалиётидан ўтказилди. 215 911 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига моддий ёрдам, ногиронлик аравачаси, протез-ортопедия, дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Вилоятда доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган 147 799 нафар фуқаро билан “маҳалла еттилиги” иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Аниқланган муаммоларга кўра, 707 нафар фуқаронинг ҳужжатлари тикланди, 8 нафарига уйига қайтиб келиш учун йўл кира харажатлари тўлаб берилди, 106 нафарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. 1 126 та маҳалланинг барчасида “еттилик” аъзолари мигрантлар билан доимий онлайн мулоқотлар ўтказиб, қайтиб келган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш амалиётини йўлга қўйди. Жумладан, ўтган 8 ойда қайтиб келган 115 541 нафар самарқандликларнинг 7 652 нафари корхоналарга ишга жойлаштирилди, 744 нафарига кредит ва субсидиялар ажратилди, 320 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ва касб ўрганишга йўлланди, 25 040 нафари якка тартибдаги тадбиркор, 45 687 нафари норасмий секторда банд бўлди.

Вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан оғир бўлган ҳамда аҳоли мурожаатлари кўп тушган ҳар бир туман ва шаҳардан 1 тадан, жами 16 та маҳалла танлаб олиниб, муаммолари бартараф этилмоқда. Жумладан, **Пайариқ туманидаги “Халқаобод” маҳалласи**даги 72-мактабнинг лой ва тупроқли йўлларининг 1 км. қисми шағаллаштирилди, 1 км.га асфальт ётқизилди. **Пахтачи тумани “Қайнарбулоқ” маҳалласи**да кучли сел келиши оқибатида ювиб кетилган кўприк таъмирланди.

Узоқ йиллардан буён **Тойлоқ туманидаги “Сариосиё” маҳалласи**да жойлашган 22-боғча тарбияланувчилари ва 24-мактаб ўқувчилари артезиан сувини истеъмол қилиши натижасида болалар ўртасида гепатит-А (сариқ) касаллиги кўпайган эди. Шу боис маҳалладаги сув минораси таъмирланиб, 1 км.га яқин сув қувурлари тортилди.





Аҳоли муаммолари мунтазам ўрганилиб, тизимли ҳал этилмоқда.

Натижада боғча ва мактаб ҳамда 50 га яқин хонадон тоза ичимлик сув билан таъминланди.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан **Каттақўрғон туманидаги “Қўшҳовуз” маҳалласи**да “Ёшлар маркази” қурилиб, уюшмаган ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ташкил этилмоқда. Тумандаги 68-мактабда ташкил этилган ўқув марказининг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, спорт анжомлари келтирилди. **Каттақўрғон шаҳридаги Амир Темур номли маҳалла**да “Беш ташаббус” лойиҳаси доирасида иккита “StreetWorkout” ҳамда битта спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Иштихон тумани маданият бўлимига 300 млн. сўмлик мусиқа асбоблари олиб берилди.

Бугунги кунга қадар вилоят миқёсида 33 та маҳаллага янги бино қурилиб, 18 таси жорий, 12 таси капитал таъмирланди, 13 таси реконструкция қилинди.

Яна бир янгилик, Самарқанд шаҳридаги “Ҳумо” маҳалласидаги 4 минг нафарга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи, айни вақтда таъмирталаб қишлоқ врачлик пунктини таъмирлаш учун “Ислом тараққиёт банки” 1 млрд. сўм маблағ ажратди.

Бундан ташқари, давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, маҳаллаларда аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатувчи ва инфратузилма билан боғлиқ бўлган энг долзарб масалаларни ҳал этиш учун ажратилган 1 трлн. 343 млрд. сўм маблағнинг мақсадли сарфланиши бўйича алоҳида режа белгилаб олинди. Мазкур маблағдан Самарқанд вилоятига 114,7 млрд. сўм ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар ҳисобидан:

– 16 та туман(шаҳар)даги 212 та маҳалла ички йўлларининг 67 км. қисми асфальтланади, 22,7 км. қисми шағаллаштирилади, 87,7 км. қисми таъмирланади;

– 3 та кўприк қурилади, 44 та трансформатор ўрнатилади, 3 957 та симёғоч алмаштирилади, 180,2 км. кабель ҳамда 118,5 км. ичимлик сув тармоғи тортилади;

– 23 та ичимлик сув иншооти қурилади, 23 та ичимлик сув насослари ўрнатилади, 4 000 та газ баллонлари харид қилинади;

– 15 та мактаб ҳамда 14 та мактабгача таълим муассасаси таъмирланади.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Йўл бўйидаги ерлар аҳолига аукцион орқали сотилса...

Имом Бухорий мажмуасига келиб-кетувчи ҳар бир зиёратчи “Наймантепа” ва “Нўш” маҳаллалари ҳудудидан ўтади. Шу боис катта йўл бўйида жойлашган ҳар икки маҳаллада йўловчиларнинг талаб-истакларидан келиб чиққан ҳолда савдо-дўконлари, тамаддихоналар, машиний хизмат кўрсатиш шохобчалари, автомобиль устахоналари каби кўплаб тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Шунингдек, икки минга яқин аҳолининг аксарияти деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланиб, даромад топяпти.

Алишер ҚАҲҲОРОВ, Жомбой туманидаги “Наймантепа” ва “Нўш” маҳаллалари солиқ инспектори.



Бугунги кунда янги солиқ тизими аҳолига тадбиркорлик билан шуғулланиш, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини беряпти. Маҳаллаларга бириктирилган мен каби солиқ инспекторлари нафақат ҳудуди бўйича солиқ тушумларини ошириш билан, балки тадбиркор бўлиш истагидаги фуқароларга давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият юритишларига кўмаклашяпти.

“Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда солиқ ислоҳотларини тушунтиряпмиз. Солиқ сиёсати ва маъмурчилигини яхшилаш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳамда “маҳаллабай” ишлаш натижасида январь-октябрь ойларида жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан 784,1 млн. сўм солиқ тўлови ундирилди. Шундан 78,4 млн. сўми “маҳалла бюджети”да қолди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 128,2 млн. сўмга етади. Ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилади. Шу боис мавжуд қарздорликларни ундириш ишларини тўғри, ўз вақтида амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Хатлов натижасида 18 нафар ноқонуний фаолият кўрсатаётган тадбиркор ҳамда 34 та деҳқон хўжалиги янгидан рўйхатдан ўтказилди. 13 та корхонада норасмий ишлаётган 11 нафар фуқаронинг фаолияти қонунийлаштирилиб, 2,2 млн. сўм қўшимча даромад солиғи ҳисобланди. Вақтинча молиявий қийинчиликка дуч келган 6 та тадбиркорлик субъекти фаолияти тикланди. 10 та объект аниқланиб, 2,4 млн. сўм қўшимча солиқ манбаи шаклланди. “Маҳалла еттилиги” кўмагида 316 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Бугунги кунда икки маҳаллада 33 та юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик хўжалиги, 44 нафар якка тартибдаги тадбиркор бор.

Қувонарлиси, бугун солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезмоқда. Шу боис ҳудудимизда тадбиркорлик соҳасига қизиқувчи фуқаролар кўпаймоқда. Улар билан доимий мулоқотда бўлиб, солиқ соҳасида ҳуқуқий тушунчалар беряпмиз. Агар “Наймантепа” ва “Нўш” маҳаллаларидан ўтувчи автомобиль йўл бўйидаги ер майдонлари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга аукцион орқали сотилса, аҳоли ишли бўлиб, солиқ тушуми янада ортарди.

Аввалларида 5-6 та маҳаллага бириктирилган битта солиқ инспектори маъмурий буйруқбозлик асосида ишларди. Энди ҳаракатига, тушумига қараб, муносиб рағбатлантирилмоқда. Шахсан ўзим ўтган сентябрь ойида самарадорлик кўрсаткичлари бўйича вилоят миқёсида юқори ўринни эгаллаб, ойлик маошимга қўшимча 200 фоиз устама олдим.

Президент айтганидек, солиқчилар тадбиркорларга пул ундириш нуқтаи-назаридан эмас, балки уларни қўллаб-қувватлаш орқали ривожлантириб, солиқ тушуми ва даромадни ошириш манбаи сифатида қараши зарур.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Бекжон ОЛЛОЁРОВ. Хоразм вилояти.

— Жисмоний шахслар қурилиши тугалланмаган нотурар объектлар учун мол-мулк солиғини тўлайдими?

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ОБЪЕКТГА СОЛИҚ ТЎЛАНАДИМИ?

Муҳиддин РЎЗМЕТОВ, Хоразм вилояти солиқ бошқармаси давлат солиқ катта инспектори:



— Қурилиши тугалланмаган, яшаш учун мўлжалланмаган объектлар жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланади. Агар бундай объектларнинг қурилиш муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан 24 ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар рўйхатига киради.

Солиқ солиш объектларининг кадастр қиймати кўчмас мулкнинг солиқ базаси ҳисобланади. Солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида солиқ базаси 42 млн. сўмдан кам бўлиши мумкин эмас. Агар солиқ солиш объектининг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг шартли қиймати қуйидагича ҳисобланади:

— Тошкент ва Нукус шаҳарларида, шунингдек, вилоят марказларида – юқорида кўрсатилган сумманинг 5 баравари миқдорида (5 х 42 млн. сўм = 210 млн. сўм);

— бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда – 2 баравари (2 х 42 млн. сўм = 84 млн. сўм).

Ҳужжатда кўрсатилган муддатда қурилиши тугалланмаган, яшаш учун мўлжалланмаган объектларга нисбатан солиқ ставкаси 3 фоиз миқдорида белгиланади.



Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон-Қозоғистон тўртинчи ҲУДУДЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ФОРУМИ бўлиб ўтди.



Фуқаролар учун миллий валютадаги КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА СТАВКА бироз пасайиб, 23,8 фоизни ташкил этган.



Мурожаатлар асосида тадбиркорларга 10,9 миллиард сўм миқдорида АСОССИЗ ТЎЛАНГАН солиқ маблағи қайтарилди.

ТАҲЛИЛ

“Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили 607 та маҳаллага барака киритяпти

Шўрчи туманидаги “Оққўрғон” маҳалласига йўлингиз тушса, фуқаролар билан ҳамжиҳатликда ишлаётган, аҳолининг муаммо ва таклифларини ўрганиб, ўз вақтида уларга амалий кўмак бераётган ҳоким ёрдамчиси ва хотин-қизлар фаолининг ташаббускорлигига гувоҳ бўласиз. Зеро, халқ фаровонлиги учун қилинган хизмат ҳеч қачон бесамар кетмайди. Айниқса, уларнинг муносиб иш ўринларига эга бўлиши, оиласига доимий даромад кириб келиши билан жамият равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшган бўламиз.



Сайдулла АБДУРАИМОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи.

Шу мақсадда вилоятдаги 724 та маҳалланинг ҳар бирида юритилаётган “Омбор китоб”ларида ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларга ер ажратиш, хонадонларни обод қилиш, кўчаларда ҳашарлар ташкил этиш бўйича манзилли чора-тадбирлар ва ижро муддатлари белгиланган.

Мамлакатимиздаги долзарб масалалардан бири — бандлик. Иқтисодий ислоҳотлар ёки ҳудудий дастурлар бўлсин, барчасининг замирида иш ўринлари очиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсади мужассам. Жорий йилнинг 23 март санасида Сайхунобод тумани “Иттифоқ” маҳалласи тажрибаси мисолида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида маҳаллаларнинг ихтисослашувини аниқлаш ва бу тажрибани ривожлантириш бўйича топшириқ берилган эди. Шунга кўра, 724 та маҳалладан 607 тасининг ихтисослашуви белгиланди. Хусусан, Ангор туманининг “Баҳор” маҳалласидаги 295 та хонадон сабзавот маҳсулотларини етиштиради. Қумқўрғон туманининг “Умид ниҳоллари” маҳалласидаги 636 та хонадон картошкадан мўл ҳосил олишни бошлади. Денов туманининг “10-Буюк келажак” маҳалласидаги 2 минг 584 та хонадон мева-боғдорчилик билан шуғулланади. Бандихон туманининг “Баҳористон” маҳалласидаги 435 та хонадон дуккакли ва мойли экин маҳсулотларини экади. Сариосиё туманининг “Эҳтиром” маҳалласидаги 56 та хонадон кўчат *(гул)*чилик билан машғул. Сариосиё туманининг “Себзор” маҳалласидаги 1 минг 64 та хонадон 1 минг 655 бош чорва молларини боқишни йўлга қўйди.

Шунингдек, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик, туячилик, йилқичилик *(от)*, ҳунармандчилик *(дурадгорлик, темирчилик, кўлолчилик)* йўналишилари ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

2024 йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича 17,7 мингта оила камбағалликдан чиқарилди *(йил бошида 56,7 мингта бўлган)*. Натижада камбағаллик даражаси 2,7 фоизга қисқариб, 7,9 фоизга туширилди *(йил бошида 10,6 фоиз бўлган)*.

“Маҳалла бюджети” тизими орқали





ҳудудларнинг инфратузилмасини яхшилаш, маҳалла биноси, спорт майдони, ёшлар маркази, кутубхоналар қуриш ва таъмирлаш, ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган оилаларга ёрдам кўрсатиш, “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш имкони яратилди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 56 та маҳалла биноси янгидан қуриб битказилди. Яна 3 таси тўлиқ ҳамда 58 таси жорий таъмирланди.

Халқимиз азалдан тозалик ва орасталикка, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратишган. Фақат ўзбек халқигагина хос бўлган ҳашарнинг қадрият даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, халқимиз бу анъанани меҳр-оқибат, ишонч ҳамда дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи восита сифатида эъзозлаб келади. Удумни давом эттириш мақсадида маҳалла раислари 16 минг 348 маторабa “Яшил макон” лойиҳаси бўйича тарғибот тадбирлари олиб боришди. 158 минг 182 дона мевали ва 269 минг 673 дона манзарали дарахтлар экилиб, 88 мингдан ортиқ гул кўчатлари ва 220 мингдан зиёд дарахтларга шакл берилди ва оқланди.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш мақсадида йил якунига қадар қатор устувор вазифаларни амалга оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. **Биринчидан**, ҳар бир маҳаллада аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммолар *(турпоқли йўллар, газ, электр, ичимлик сув)* таҳлил қилиниб, ҳал этилиши бўйича ойма-ой жадвал ишлаб чиқилади. Уни ҳокимлар тасдиқлагач, маҳалла идорасига илиб қўйилади ва аҳолини хабардор қилиш тизими жорий этилади.

Иккинчидан, маҳалладаги долзарб масалалар ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш бўйича ҳар чоракда туман *(шаҳар)* халқ депутатлари Кенгашлари йиғилишида маҳалла раисларининг ахборотини эшитиш тизими йўлга қўйилади.

Учинчидан, “маҳалла еттилиги” лавозимига номзодларни тегишли маҳаллада истиқомат қилувчи, ватанпарвар фуқаролар орасидан, истисно тариқасида қўшни маҳалладан номзодларни сайлаш *(тайинлаш)* тизими амалиётга тадбиқ этилади.

Жорий йил якунига қадар аҳоли муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал қилиш ҳамда “маҳалла еттилиги” аъзолари мустақил фаолият юритадиган идорага айлантириш бўйича тинимсиз меҳнат қилиб, ижобий натижага эришилиш учун барча чораларни амалга оширамиз.



БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

КИМЛАР ТРАНСПОРТДАН БЕПУЛ ФОЙДАЛАНАДИ?

"Ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра, муҳтож шахсларга давлат кўрсатадиган ижтимоий хизмат ва ёрдам турлари кенгайтирилади:

— Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан дафн этиш учун нафақа бериш;

— хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш;

— оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ҳамда оилалар манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилинганда давлат божини тўлашдан озод этишга доир ўзгаришлар кучга кирди.

Бундан ташқари, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган кексаларга қараб турилган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланиши учун даволаш муассасасининг хулосаси талаб этилмаслиги белгиланди.

Шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларга, ёлғиз яшовчи кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Шу билан бирга, умрбод таъминлаш шарти билан уйни *(квартирани)* бошқа шахсга беришга доир битимлар ва умрбод рента шартномаси тўғрисидаги, шунингдек, васийликдаги шахснинг мол-мулкини тақсимлашга доир битимлар ҳамда унинг тақдирини ҳал қилишга қаратилган бошқа битимлар ҳақидаги маълумотлар "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларига тақдим этилиши белгиланмоқда.

ИЖТИМОИЙ ХОДИМ

Кўмакдан қалб таскин топса, мамнунликдан дил завқланар

Дилрабо Нурматова илк бор суҳбатлашганимизда жуда тушкун кайфиятда эди. 2020 йилда турмуш ўртоғи вафот этгандан кейин 3 нафар фарзанди билан анча қийналиб қолган экан. Биздан кенжа қизининг даволаниши учун ёрдам сўраб келган эди. Унга “Саховат ва кўмак” жамғармасидан 1 миллон 700 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Ўзининг шу кунга қадар йиғиб қўйган пулларини қўшиб, фарзандини шифохонага ётқизди. Ҳозир соғлиги яхши, уйида дори-дармонларни қабул қиляпти. Мактабдаги дарсларини ҳам давом эттирмоқда.



Мунира ТОШМАТОВА, Чироқчи туманидаги “Чироқчи” ва “Чоштепа” маҳаллалари ижтимоий ходими.

Шу аснода оиланинг ҳолати ва шароитини пухта ўргандик. Вояга етган ўғлини туман марказидаги банкка ишга киришига кўмаклашдик. Дилрабо опанинг ўзи туман “Инсон” марказига тозаловчи ходим сифатида қабул қилинди. Шундан сўнг уларнинг даромади анча ортди. Иккита ойлик маошдан ташқари, боқувчисини йўқотганлик нафақаси ҳам бериляпти. Аввал эҳтиёжманд сифатида болалар пули олган бўлса, энди моддий ҳолати яхшиланиб, реестрдан чиқарилди.

Иш жараёнида оилаларга кириб борар эканмиз, йиллар давомида йиғилиб қолган қатор муаммолари мавжуд эканига гувоҳ бўляпмиз. Уларни ҳал этишда кўрсатилган ёрдам одамларнинг юзига кулгу, қалбига хотиржамлик бағишламоқда. Айниқса, ҳаракатланишда муаммоси бўлган фуқаролар тақдим этилган протез-ортопедик мосламалар ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини олгач, ҳаётида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Хусусан, “Чироқчи” маҳалласида истиқомат қиладиган, 60 ёшдан ошган бир фуқаро бахтсиз ҳодиса туфайли юролмай қолади. Биз боргунга қадар ётоққа михланиб, ҳеч ким билан суҳбатлашишни истамаган. Ҳолидан хабар олиб, биринчи навбатда, даволаниши учун Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига йўналтирдик. Маҳаллани айланиб, қўни-қўшнилар билан суҳбат қуради, деган мақсадда арава тақдим этилди. Ҳозир вақтини анча мазмунли ўтказяпти. Ўзи бемалол кўчаларни айланади, дўконга бориб келади. Ҳатто, уй ичида бироз юришни машқ қилаётгани боис қўлтиқтаёқ сўраб мурожаат қилди. Бу бўйича ҳам ариза киритганмиз.

Шу кунга қадар ҳудудимизда истиқомат қиладиган 220 нафар имконияти чекланган фуқаронинг 10 нафарига ногиронлик араваси, эшитиш мосламаси, қўлтиқтаёқ каби воситалар тақдим этилди.

Ҳудудимиздаги бир аёлга турмуш ўртоғининг тазйиқ ва зўравонлигига учрагани боис



Иш жараёнида оилаларга кириб борар эканмиз, йиллар давомида йиғилиб қолган қатор муаммолари мавжуд эканига гувоҳ бўляпмиз.

ҳимоя ордери берилган эди. Ҳаммасига ичкилик сабаб бўлган. Узоқ вақт давомида олиб борилган суҳбатлар асносида вазият анча изига тушиб қолди. Эркакнинг оиласи олдидаги масъулият ҳисси ортган. 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун астойдил меҳнат қиляпти.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 30 нафар вояга етмаган ўсмирга васийлик тайинланди. Бу каби меҳр ва эътиборга муҳтож болаларга кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиламан. Уларнинг юзидаги сўлғинлик, ўзини кераксиздек ҳис қилиш каби туйғуларни аритиш учун “Инсон” маркази психологи Гулноза Баҳромова ҳар жиҳатдан кўмаклашмоқда. Хусусан, онаси турмушга чиқиб, бувисига қолдириб кетилган 14 ёшли ўсмирнинг хулқ-атворида салбий ўзгаришлар кузатилаётгани ҳақида эшитиб қолдик. Дарсларга қизиқиши сусайиб, кўп вақтини кўчада саёқ юриб ўтказаётган экан. Психолог билан бирга бир неча марта суҳбатлашдик. Ундан келажакдаги орзу ва мақсадлари ҳақида сўрадик. Ўқиши ва билим эгаллаши нечоғли муҳим аҳамиятга эгалигини тушунтирдик. Бувиси билан гаплашиб, набирасининг таълим-тарбиясига янада аҳамиятли бўлишини тайинладик.

Ҳудудимизда камбағал оилалар тоифасига тушиб қолган 2 та хонадон бор. Уларга ёрдам кўрсатиш бўйича қатор режалар тузиб чиққанмиз. Жумладан, турмуш ўртоғи билан ажрашган бир аёл 4 нафар фарзанди билан анча қийналиб қолган. Қўлидан чеварчилик келишини билгач, ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда тикув машинаси учун ариза киритдик. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхонасига ишга киритиб қўймоқчимиз.

Халқ хотиржам яшаса, дастурхони тўкин-сочин бўлса, олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз. Бунинг учун ўз устимизда ишлаш ва малакамизни оширишдан сира тўхтамаяпмиз.

ЯНГИЛИК

БОЛАЛАРГА ЗЎРАВОНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистонда болаларга нисбатан унинг яқин қариндошлари томонидан оилавий зўравонлик содир этганлик учун жавобгарлик белгиланди. Бу ҳақда 21 октябрь куни Президент имзолаган қонунда белгиланди.

Амалдаги меъёрда эр-хотин ёки оилада бирга яшовчи бошқа шахсларга нисбатан оилавий *(маиший)* зўравонлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, бу ҳаракатларни болага нисбатан содир этганлик учун жавобгарлик аниқ белгиланмаган эди.

Шунингдек, Жиноят-процессуал кодекснинг 583-моддаси “Оилавий *(маиший)* зўравонлик билан боғлиқ ишлар юзасидан ярашув тўғрисидаги ариза суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд алоҳида хонага *(маслаҳатхонага)* киришидан олдин берилиши мумкин” мазмунидаги иккинчи қисм билан тўлдирилди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ҳам болага нисбатан оилавий *(маиший)* зўравонлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланди.



Алишер ҒАНИЕВ юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди.



ҲУМОЮН СУЛТОНОВ Мисрдаги M25 тоифасига кирувчи турнирни ғалаба билан бошлади.



Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдоров “SUPERCHESS” жамоаси таркибида Европада пешқадамлик қилмоқда.

ЖАРАЁН

“Еттилик” масъулиятли бўлса, маррага муваффақиятли эришилади

Юртимиз маҳаллаларини айланар экансиз, бир-биридан файзли кўчалар баҳри дилингизни очади. Йўл четига экилган райҳонлардан таралаётган ёқимли ифор, ранг-баранг очилган гуллар кўнгилларга шунчалар яқин.



Фурқатхўжа МАҲМУДХЎЖАЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи.

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасини шундай кўркам манзилга айлантириш учун тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, халқнинг фаровон турмуш кечириши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун қатор шароитлар яратиб берилаётир. Эндиликда аҳолини қийнаб келаётган ҳар қандай масаланинг, авваломбор, “маҳалла еттилиги” кўмагида ҳал қилиш имконияти ва бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди.

Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида “Омбор китоби” жорий этилиб, 585 та маҳаллада бу тизим тўлиқ шакллантирилди. Унда 27 минг 673 нафар ишсиз фуқаронинг рўйхати қайд этилиб, манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил Сайхунобод туманидаги “Иттифоқ”, Яккасарой туманидаги “Дилбулоқ” ва Уйчи туманидаги “Қумтепа” маҳаллаларига ташрифи давомида ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш, камбағал оилалар даромадини ошириш, маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берган эди. Хусусан, ҳар бир маҳаллага тижорат банкларини бириктириш орқали уларга манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари қўйилди. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда банклар барча маҳаллаларга масъул ходимларини бириктирган. Улар ўтган давр мобайнида жами 12 минг 149 нафар фуқарони доимий ишга жойлаштирди, 3 842 нафари ўзини ўзи банд қилиши таъминланди. Шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари доирасида 9 минг 673 нафар фуқарога кредит ажратилди.

“Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш асосида маҳаллаларнинг инфратузилмаси яхшиланмоқда. Ўтган олти ой давомида жами 17,3 км. ички йўл шағаллаштирилди ва 1 минг 430,6 км. йўлга асфальт ётқизилди, 151,5 км. пиёдалар йўлаги қуриб битказилди.

Тошкент шаҳрида 88 та замонавий маҳалла биноси қурилиши режалаштирилмоқда. 18 та маҳалла биноси жорий таъмирланди ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси 144 та йиғинга компьютер жамланмаларини топширди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида “маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир ходими манзарали, мевали дарахт кўчатлари, терак ва тол қаламчалари ўтқазишда фаол қатнашяпти. Умумий ҳисобда маҳаллалар ҳудудида 68 минг 947 туп дарахт экилиб, экология платформасига киритилди.

Тошкент шаҳри бўйича ташқи миграцияда юрган фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида хатлов ўтказиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида қатор ишлар олиб борилди. Жумладан, биринчи хатлов натижасида жами 112 минг 516 нафар шахсдан 95 минг 467 нафари, иккинчи босқичда 47 минг 381 нафаридан 5 минг 170 нафар аҳоли хатловдан ўтказишга эришдик.

Содир этиладиган оғир ва ўта оғир жиноятлар, айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар, ишсизлар ва аёллар жиноятчилигининг асл омилларини аниқлаш ва барвақт олдини олиш борасида “маҳалла еттилиги” билан манзилли ишлар олиб борилмоқда. 2024 йилнинг 1 июнь ҳолатига Тошкент шаҳридаги 585 та маҳалла кесимида “яшил” *(жиноят содир этилмаган)* маҳаллалар сони 148 та, “қизил” *(аҳоли сонига нисбатан жиноят юқори)*



маҳаллалар сони 52 та, “сариқ” *(аҳоли сонига нисбатан жиноят кам)* маҳаллалар сони 385 та бўлиб, жами жиноят содир этилган маҳаллалар 437 тани ташкил этмоқда.

Ҳар бир кўчага бириктирилган жамоатчилик аъзолари, “маҳалла еттилиги” ходимлари ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш юзасидан аҳоли ва ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот ишлар олиб борилди. Натижада ўтган олти ойда 148 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади.

2024 йилнинг 6 ойи давомида оилаларни мустаҳкамлаш, ажралишлар сонини қисқартиришга қаратилган ишлар аҳволи яна бир кўриб чиқилди. Бу даврда ажралишлар 2 минг 352 тани ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 110 тага камайганини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда маҳалла тизими бешта устувор йўналишга алоҳида эътибор қаратиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, маҳаллаларни ишсизликдан, камбағалликдан, жиноятчиликдан, миграция ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантирамиз, деган эзгу шиор остида аниқ вазифаларни белгилаб олганмиз.

Биз, маҳалла ходимлари давлатимиз раҳбарининг билдирган катта ишончини оқлашни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз. Бундан кейин ҳам маҳалларимизни янада обод ва унда яшовчиларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун ўзимизни масъул деб билиб, фаолиятимизни давом эттирамиз.

МАНЗАРА

Қизлар катта ҳаётга қанчалик тайёр?..

Ҳомиладорлик — аёл ҳаётида синовли давр. Қувонч ва ҳаёжони билан бирга, қийинчиликларни ҳам бошдан кечиришга тўғри келади. Шундай вақтда яқинларнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Айниқса, келининг турмуш ўртоғи ва қайнонаси бу вақтда асосий кўмакчига айланиши керак. Лекин ҳамманинг феъл-атвори турлича. Кимдир вазиятни холис баҳоласа, айримлар буни инжиқлик ва дангасаликка йўяди.

Ғуллола БОЛТАЕВА, Ғузор туманидаги “Янгиҳаёт” маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Бир оиладаги можарони ҳал этишга борганимизда, айни шу ҳолат сабаб ўртада совуқчилик юзага келганига гувоҳ бўлдик. Келиндаги уйқучанлик, уй юмушларига ўз вақтида улгура олмаётгани қайнонанинг жаҳлини чиқаради. Уларни муросага келтириш мақсадида “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари билан бир неча марта суҳбат олиб бордик. Ҳар икки томонга аҳилликда яшаш борасида керакли маслаҳатлар берилди. Натижада ўртадаги дилхираликлар бартараф этилди ҳамда муносабатлар изга тушиб кетди.

Оилалар билан ишлаш жараёнида шу каби келишмовчиликларни бартараф этиб, 6 та оилани яраштиришга эришдик. Бу борада бизга маҳалламизнинг ёши улуғ онахонлари Орзигул Алиева ва Норбиби Шукурова катта ёрдам берди. Бундай ҳаётнинг паст-баландини кўрган инсонлар кимга қандай муомала қилишни, фикрини ижобий тарафга ўзгартиришни яхши билади. Баъзан бир оғиз гапи билан ёшларни тўғри йўлга солиш мумкин.

Жорий йилда астойдил қилган саъй-ҳаракатларимизга қарамай, иккита оиланинг ажралиши қайд этилди. Бир ҳолатда эр-хотин 13 йил фарзанд кутиб, умидлари ушалмади. Келишиб, барчасига сўнгги нуқтани қўйишди. Яна бир оила ҳали турмуш қурганига кўп вақт бўлмай, бир-бирини тушунмагани сабабли ажрашди.

Маҳалла тизимида ишлайдиганлар яхши билади, ҳар куни турфа феъл-атвор вакиллари билан гаплашамиз. Мурожаатларини ўрганамиз. Йўл-йўриқ ва тавсиялар берамиз. Кимдир маслаҳатларимиздан тўғри хулоса чиқарса, айримларга қанча гапирманг, самараси бўлмайди. Шунга қарамай, доим аҳолининг муаммоларини ҳал қилиш учун, ҳаётини ижобий томонга ўзгартириш учун интилишдан тўхтамаймиз.

Ҳудудимизда 1 220 нафар хотин-қиз истиқомат қилса, ҳар бири билан алоҳида ёндашув асосида ишлаймиз. Асосий эътиборимизни уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашга, бандлигига кўмаклашишга қаратганмиз. Аёлларнинг кўпчилиги тикувчиликка қизиқади. Шунингдек, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланадиганлар ҳам анчагина.

2024 йилда “Аёллар дафтари”га киритилган 119 нафар хотин-қизнинг 91 нафари ишсиз эди. Шу кунга қадар 65 нафари қизиқишидан келиб чиқиб ишга жойланди. 9 нафари касаначилик йўналишида таҳсил олди. Ҳозир улар томорқасини кўчат етиштиришга ҳозирлаяпти. Эрта баҳордан олган билимлари асосида даромад қилишни бошлайди.

Қандолатчилик курсида ўқиган 3 нафар аёл хонадонида мустақил иш бошлаган. Тўй ва тадбирлар учун турли салат ва ширинликлар тайёрлаб, рўзғорига муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, буюртма асосида яқин атрофидаги дўконларга бир-биридан мазали пиширикларни топшириляпти.

4 нафар опа-синглимиз тикувчилик сир-асрорларини ўрганди. Яна 2 нафари ҳали таҳсилни давом эттирмоқда. Уларга ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Кундан-кунга тажрибаси ортиб, замонавий либослар тикаётган чеварларга ҳавас билан боқаётганлар кўп.



Агар маҳаллаларнинг ўзида оилага тайёрлов курслари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Зебунисо Аннаева шу кунга қадар уйида тикувчилик қилиб келган. Лекин доим ич-ичидан ўз устида ишлаб, янги билимлар эгаллаш истаги бўлган. Шу мақсадда касб-ҳунар курсида ўқияпти. Олдига қўйган мақсадлари жуда катта. Унга маҳалла биноси ёнидан 3 сотих ер ажратиб берилди. Шу ерда мўъжазгина бино қуриб, тикувчилик корхонаси ташкил этишни ният қилган. Ҳатто, бир нечта фуқаронинг бандлигини таъминламоқчи.

Бугун маҳалла ходимлари олдида турган энг долзарб масалалардан бири — оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш. Бунинг учун биринчи навбатда, қизларни катта ҳаётга тайёрлаш зарур. Кўпчилик ёшлар ўзга хонадонга бориб, у ернинг паст-баландига кўникиб кетишга қийналяпти. Агар маҳаллаларнинг ўзида оилага тайёрлов курслари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Жонли мисоллар, керакли тавсия ва маслаҳатлар, албатта, ўз натижасини кўрсатиши аниқ.

САЛОМАТЛИК

ҚАЙСИ МАҲСУЛОТЛАР САРАТОННИ РИВОЖЛАНТИРАДИ?

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТИБ, ТУРЛИ ХАСТАЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ ОШИРУВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

1. Қайта ишланган гўшт маҳсулотлари. ЖССТ хулосасига кўра, колбаса, дудланган мол гўшти, сосиска ва шу сингари қайта ишланган гўшт маҳсулотлари онкологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Ташкилотнинг маълум қилишича, кунига атиги 50 грамм миқдорида шундай егуликни истеъмол қилиш йўғон ичак саратони ривожланиш хавфини 18 фоизга оширади.

2. Трансёғлар ва маргарин. ЖССТ трансёғларни овқатланиш тартибидан бутунлай чиқариб ташлаш тарафдори. Қайд этилишича, дунё бўйлаб 5 миллиардга яқин одам шундай зарарли маҳсулотлардан ҳимояланмаган. Бу эса юрак хасталиклари ва ўлим хавфини оширади. Айниқса, маргарин энг зарарли ёғлардан бири ҳисобланади.

3. Қовурилган егуликлар. Тамаддихоналарда қайта-қайта ишлатиладиган ёғ соғлик учун катта зиён келтиради. Ўз навбатида, қизартириб қовурилган егуликлар турли хавфли касалликларни келтириб чиқаради.

4. Шакар ва унинг ўрнини босувчи маҳсулотлар. Шакарнинг меъёрдан кўп миқдори жигарни зўриқтиради ва қатор хасталикларга чалиниш эҳтимолини оширади. Шу боис ЖССТ тавсиясига кўра, кунлик шакар истеъмоли 25 граммдан ошмаслиги керак.

5. Консерваланган ва қадоқланган таомлар. Бундай егуликлар таркибида уларни сақлаш муддатини узайтиришга хизмат қилувчи зарарли қўшимчалар мавжуд. Масалан, картошка чипсларидаги натрий глутамат организмни худди чекиш билан бир хил даражада заҳарлайди.

Қолаверса, таркибида худди шу модда бўлган зиравор бўлаклари соғликда жиддий муаммоларни юзага келтириш эҳтимоли катта.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани «Лашкарбеги» МФЙ, Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 700 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.